

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA KORRUPCIYAGA QARSHI
KURASHISHNING HUQUQIY ASOSLARI VA INSTITUCIONAL
MEKANIZMLARI TAHLILI**

Қосимова Фаридажон Шавкатовна

Жиззах шаҳар ФХДЁ бўлимнинг 2-тоифали инспектори

***Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва амалий самарадорлиги, бугунги кенг тарқалган халқаро тажриба, хусусан G20 мамлакатлари, БМТ конвенциялари ва "комплаенс-назорат" тизимининг афзалликлари ўрганилган. Муаллиф АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Қозоғистон ва Словения каби давлатларнинг коррупцияга қарши самарали моделларини таҳлил қилган. Тадқиқотда Президентнинг турли йилларда қабул қилинган фармонлари асосида амалга оширилаётган "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари ва уларнинг ижро ҳолати баҳоланган. Мазкур ислохотларни баҳолашда интервью, сўровнома ва экспертлар фикри усуллари кенг фойдаланилган. Амалиётдаги коррупциявий ҳолатлар мисолларига таянган ҳолда, турли соҳаларда мавжуд тизимнинг камчиликлари аниқланган. Тадқиқот давомида айнан барча соҳаларни тўлиқ қамраб олувчи комплекс қонунчилик ҳужжатларини қабул қилинишида йўл қўйилган эътиборсизлик натижасида куч ва воситалар сарфида самарасизлик юзага келганлиги бўйича аниқ таҳлиллار келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** коррупция, коррупциясиз соҳа, комплаенс-назорат, миллий кенгаш, миллий маъруза, қонунчилик таҳлили, қарши курашиш модели, институционал ислохотлар.*

АНАЛИЗ ПРАВОВЫХ ОСНОВ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Қосимова

Фаридажон

Шавкатовна

Инспектор 2-й категории отдела ЗАГС города Джизак

Аннотация: В статье исследуется правовая база и практическая эффективность реформ, проводимых в Республике Узбекистан с целью совершенствования системы борьбы с коррупцией, преимущества широко распространенного на сегодняшний день международного опыта, в частности стран G20, конвенций ООН и системы "комплаенс-контроль". Автор проанализировал эффективные антикоррупционные модели таких стран, как США, Великобритания, Сингапур, Казахстан и Словения. В исследовании оценены проекты "Сфера, свободная от коррупции", реализуемые на основе указов Президента, принятых в разные годы, и статус их реализации. При оценке этих реформ широко использовались методы интервью, опросов и экспертных заключений. Опираясь на примеры коррупционных дел на практике, были выявлены недостатки существующей системы в различных секторах. В ходе исследования проведен четкий анализ неэффективности расходования сил и средств в результате пренебрежения, допущенного при принятии комплексных законодательных актов, охватывающих все сферы.

Ключевые слова: коррупция, сфера без коррупции, комплаенс-контроль, Национальный совет, Национальный доклад, правовой анализ, модель противодействия, институциональные реформы.

ANALYSIS OF THE LEGAL FOUNDATIONS AND INSTITUTIONAL MECHANISMS FOR COMBATING CORRUPTION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Qosimova

Faridajon

Shavkatovna

Second-category Inspector of the Civil Registry Office of Jizzakh City

Abstract: The article examines the legal framework and practical effectiveness of reforms carried out in the Republic of Uzbekistan to improve the anti-corruption system, the advantages of currently widespread international experience, in particular the G20 countries, UN conventions and the compliance-control system. The author analyzed effective anti-corruption models of such countries as the USA, Great Britain, Singapore, Kazakhstan and Slovenia. The study assessed the "Corruption-free sector" projects implemented on the basis of Presidential decrees adopted in different years and the status of their implementation. The methods of interviews, surveys and expert opinions were widely used in the evaluation of these reforms. Based on examples of corruption cases in practice, the shortcomings of the existing system in various sectors were identified. In the course of the study, a clear analysis was made of the inefficiency

of spending forces and resources as a result of neglect committed in the adoption of comprehensive legislative acts covering all spheres.

Keywords: corruption, corruption-free sector, compliance control, National Council, National Report, legal analysis, counteraction model, institutional reforms.

Кириш

Хар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлганлиги учун коррупция умумбашарий муаммолардан бири ҳисобланади. Дунё давлатларининг барчасида коррупциянинг салбий таъсирини олдини олиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка таҳдидига қарши курашиш бўйича стратегик режалар қабул қилинган.

Коррупциянинг халқаро ҳамжамият олдида турган асосий муаммолардан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам доимий таъкидлаб келинмоқда. Хусусан, Давлат раҳбари коррупциянинг дунё миқёсидаги зарарини 3 триллион АҚШ долларга яқин миқдорда эканлигини билдириб [1], ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилатган зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода этиб бўлмаслигини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий тажрибасида коррупция энг кўп учрайдиган давлат ташкилотлари ва иқтисодиёт тармоқларида "коррупциясиз соҳа"га айлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим роль ўйнайди. Ушбу тажрибани Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш моделларидан

бири сифатида баҳолаш мумкин. Халқаро амалиётда барча соҳалар учун бир хилда қарши курашиш усуллари қўлланилиши етарлича самара бермаганлиги сабабли, соҳаларни хавф даражаларига бўлган ҳолда уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб хатти-ҳаракат қилишни риск-таҳлил, хавфни бошқариш каби турли номлар билан аталади. Миллий тажрибадаги "коррупциясиз соҳа" тушунчаси ва моҳияти ҳам айнан шундай деб таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлигига 8 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ушбу давр оралиғида коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари, 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада, йилдан-йилга турли соҳаларда коррупциявий ҳолатлар аниқланиб, турли жинойий усул ва воситалар билан талон-тарож қилинган давлат мулки ўз ўрнига қайтарилишига эришилмоқда. Олий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида энг кўп коррупциявий ҳолатлар мавжудлиги баён этилиб, дастлаб ушбу соҳаларни коррупциядан ҳоли қилиш бўйича тизимли чоралар белгиланди. Кейинчалик бу тажриба банк тизими, капитал қурилиш, давлат харидлари, божхона ва бошқа соҳаларга тадрижий татбиқ этила бошланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан амалга оширилган таҳлиллар деярли барча соҳаларда ушбу иллатни бутунлай йўқ қилиб ташлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларни самарасиз бўлиб бораётганлигини, тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали қарши курашиш усул ва воситаларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб қўйди. Шу сабабли, ушбу

мақолада мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимини комплекс такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган нормавий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий таҳлили ва мавжуд камчиликлар келтириб ўтилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Коррупцияга қарши курашиш масалалари доимий равишда илмий тадқиқот олиб бориш учун долзарблигини йўқотмаган. Кўплаб илмий тадқиқот ишларида коррупция ва уни келтириб чиқарувчи омиллар, қарши курашиш усул ва воситалари бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Ушбу тадқиқот ишида айнан 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даврида ўтказилган миллий ва хорижий тадқиқотлардан фойдаланилган.

Жумладан, Осака университети (Япония) профессори Жозеф Позсгай-Алварез ва Болонья университети (Италия) тадқиқотчиси Оксана Хусслар томонидан "стратегик коррупция" тушунчасини тадқиқ қилиб, коррупциянинг фақат ички муаммо эмас, балки давлатлар томонидан геосиёсий мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган восита сифатида ҳам фаолият кўрсатишини таҳлил қилишган [1].

Шунингдек, "Between Immunity and Impunity: External Accountability of Political Elites for Transnational Crime" номли китобида Алабама университети профессори Юлия Забелина сиёсий элиталарнинг халқаро ҳуқуқий иммунитетдан фойдаланиб, трансмиллий жиноятлардан қандай қутулишлари ва бу ҳолатга қарши қандай чоралар кўриш мумкинлиги таҳлил қилган [2].

Маккавилка Телло Бартоломе, Кевин Фернандез ва бошқалар коррупция ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги динамик боғлиқликни ўрганиб чиқиб, коррупциянинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилишган ва бу

соҳадаги халқаро алоқаларни кўрсатувчи моделларни ишлаб чиқишган бўлса, Нилс Кёбис, Кристофер Старке ва Ияд Рахванлар томонидан сунъий интеллектнинг коррупцияга қарши курашдаги имкониятлари ва хавфлари ҳақида тадқиқот олиб борилиб, AI технологияларининг давлат бошқарувида шаффофликни таъминлашдаги ролини таҳлил қилишган[2].

Лекин, "коррупциясиз соҳа" тушунчаси нисбатан янги атама ҳисобланганлиги ва унинг турли соҳаларда жорий этилишининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли миллий тадқиқотчилар томонидан бу борада комплекс илмий изланишлар олиб борилмаган ва уни ташкил этишининг умумий ҳуқуқий асослари таҳлил этилмаган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳуқуқий асосларини комплекс таҳлил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг методологик асоси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

Таҳлил ва натижалар

Тобора трансмиллий тус олиб бораётган коррупция жиноятига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Тадбиркорлик ва иқтисодий интеграциянинг самарали ривожлантириши шароитида халқаро муносабатлар субъектлари томонидан ўзаро муносабатларда ҳалолликни таъминлашнинг асосий шarti ҳисобланган коррупцияга қарши курашиш бўйича турли даражада ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Бунда, турли даражада ҳамкорликни ривожлантириш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда.

Хусусан, ривожланган давлатлардан иборат G20 ташкилоти томонидан 2024 йил ноябр ойида ўтказилган давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида 2025-2027 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар режаси тасдиқланган[3]. Шунингдек, хусусий сектор вакиллари коррупцияга қарши курашишда ҳалолликни таъминлаш бўйича қўшган ҳиссаси учун рағбатлантириш таъминлари қабул қилинган.

G20 давлатларининг кейинги 3 йилликда коррупцияга қарши курашишда ўз олдида қўйган режаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Коррупция билан боғлиқ ишларда активларни қайтариш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.
2. Бенефициар эгалигини шаффофлигини таъминлаш ва ноқонуний пул ювишга қарши курашишни такомиллаштириш.
3. Ҳориждаги порахўрликка қарши курашиш.
4. Давлат идоралари фаолиятини рақамлаштириш орқали шаффофлигини таъминлаш.
5. Хусусий секторда фаолиятини шаффофлигини таъминлаш.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 46-моддасида аъзо давлатларнинг масъул тузилмалари ўртасида бевосита ҳамкорлик қилиниши белгиланган. Шунингдек, 54-моддада Конвенцияда назарда тутилган жиноятларни тергов қилишда кенг қўламли ҳамкорлик назарда тутилган.

Шунга кўра, аъзо давлатлар учун 2021 йилда Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупция қарши курашиш бўйича оператив

тармоғи (Global Operational Network of Anti-Corruption Law Enforcement Authorities -- GlobE Network) ташкил этилган. Ушбу тармоқ секретариати вазифасини БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бажаради.

Маълумки, коррупцияга қарши курашиш йўналишида дунё давлатларининг ҳамкорлигини таъминлаш ва биргаликдаги қарши курашиш тизимини яратиш мақсадида халқаро ташкилотлар томонидан тавсиявий ва мажбурий тусдаги конвенция, келишув, меморандум каби ҳуқуқий асослар яратиб келинмоқда. Шулардан бири Активлар ҳақидаги декларацияларни текшириш учун маълумот алмашиш тўғрисида халқаро келишув бўлиб, у 2021 йил март ойида Минтақавий коррупцияга қарши ташаббус ташкилоти[4] (Regional Anti-Corruption Initiative-RAI) томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу келишув қабул қилинганидан бери илк бор 2024 йилга келиб Македониятомонидан ратификация қилинди.

Шунингдек, бир қатор ривожланган давлатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тажриба усуллариининг назарий ва амалий аҳамиятини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Хитой Халқ Республикаси коррупцияга қарши курашиш бўйича 2012 йилда ҳукумат раҳбари Си Цзинпин томонидан бошланган ислохотлар бўйича турли йўналишда тадқиқотлар ўтказиб келишмоқда. Шундай тадқиқотлардан бири 2024 йил якунида тадқиқотчилар Сюнь Ли (Xun Li), Вэньси Пань (Wensi Pan) ва Ган Сюй (Gang Xu) томонидан тайёрланган "Янада "келишган ҳукумат? Хитойда амалга оширилаётган

коррупцияга қарши тадбирларнинг ходимлар тана кўринишига таъсири"[5] номли мақола ҳисобланади. Мақолада 2009 йилда Хитой давлат хизматчиларининг 40% дан ортиғи доимий оғир вазндан азият чекканлиги, ҳозирги кунда бу каби ҳолатлар кузатилмаётганлиги маълум қилинган.

Халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш моделларидан бири "комплаенс-назорат" тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакатлардаги турли шаклдаги корхона ва компанияларида коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" тизими жорий этилган. "Комплаенс-назорат" тизимини ўзида жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга бўлган хорижий давлатлар АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Малайзия, Словения, Қозоғистон кабилардир.

Францияда 800.000 еуродан ошиқ капиталга эга бўлган давлат корхоналарида "комплаенс-назорат" тизимларини жорий этган бўлишлари шарт.

Буюк Британиянинг 1 млрд. фунт стерлинг капиталга эга бўлган 700 дан ортиқ давлат улушига корхоналар ташкил этилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида қўлланилмоқда.

Масалан, Қозоғистонда қатор соҳалар, хусусан, банк тизимида ва барча давлат улуши бўлган корхоналарда 2017 йилдан бошлаб, Комплаенс хизматини жорий этилиши мажбурий аҳамият касб этади:

- "Коррупцияга қарши курашиш туғрисида"ги қонунда комплаенс хизматини тартибга солиш механизмлари киритилган;

- комплаенс хизматининг жорий этилиши натижасида мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги ошишига ва халқаро рейтингларда юқорилашига сабаб бўлди;

- тизимнинг самарали жорий этилиши "идоравий ҳалоллик" шаклида амалга оширилмоқда.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Тадқиқотнинг кириш қисмида таъкидланганидек, "коррупциясиз соҳа" атамаси коррупция даражаси юқори бўлган давлат ташкилоти, идоралар ва иқтисодиёт тармоқларида қарши курашишнинг алоҳида усуллари жорий этиш мақсадида амалга ошириладиган комплекс чораларнинг умумий номланиши ҳисобланади.

Турли соҳаларни коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш ғояси шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббус бўлиб, 2019 йилдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПФ-5729-сон Фармонида асосан, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланган.

Шунингдек, 2021 йилдан "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси соғлиқни сақлаш, давлат харидлари ва банк тизимида ҳам амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланиб, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан ҳар бир соҳа бўйича алоҳида "Йўл харита"лари тасдиқланган. 2022 йилда божхона тизими ҳам ушбу лойиҳага қўшилди.

Таъкидлаш жоизки, "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш учун мазкур соҳаларнинг танлаб олинишига асосий сабаб сифатида уларда коррупциявий хавф-хатарларнинг юқори эканлиги, коррупцияга оид жиноятлар сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги ҳамда ижтимоий сўровнома натижаларига кўра айнан мазкур соҳаларда энг кўп коррупция тарқалганлиги инобатга олинган.

Ушбу соҳаларда ўтган давр мобайнида йўл хариталари ва қонунчилик нормалари асосида тизимли ишлар амалга оширилиб, рақамлаштирилганлиги натижасида кўплаб ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, 2023 йилда соғлиқни сақлаш тизимида аниқланган коррупциявий ҳолатлар сони 299 тани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 85 тага камайган. Ушбу кўрсаткич банкларда мос равишда 323 (381), олий таълимда 112 (187) тани ташкил этган [3].

Бироқ, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўзланган натижани беришини таъминлашнинг дастлабки зарурий шarti ягона ҳуқуқий асосларни яратиш ҳисобланиши табиий. Лекин, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши даражасида барча соҳаларни қамраб олувчи комплекс чора-тадбирларни белгиланмаганлиги ва ягона методологик ёндашувнинг амалга оширилмаганлиги, баъзи соҳаларда фақатгина ташкилотларнинг ҳамкор тузилмалари билан қарши курашилганлигини кўрсатади. Шунингдек, 2024 йил якунлари бўйича коррупцияга қарши кураши бўйича миллий маърузада ҳам барча соҳаларни "коррупциясиз соҳа"га айлантириш мақсадида амалга оширилган ишларнинг комплекс таҳлили тўлиқ ўрин олмаганлигини кўриш мумкин.

2019-2024 йиллар давомида турли соҳаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва камрови қанчалик кенг бўлмасин, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва ягоналиги таъминланмаган. Соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи умумий ва махсус омиллар мавжудлиги Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши даражасида комплекс норматив ҳужжатларни қабул қилишни ва ижросини таъминлаш орқали барча манфаатдор томонларнинг масъулиятини оширишни тақозо этади.

Амалиётдаги турли соҳаларда содир бўлаётган коррупциявий ҳолатлар мавжуд тизимнинг камчиликларини яққол кўрсатади. Жумладан, таълим соҳасида, соғлиқни сақлашда, қурилишда, давлат харидларида ва бошқа тармоқларда ҳали ҳам коррупция ҳолатлари сақланиб қолганлиги қарши курашиш усуллариининг етарлича самарадор эмаслигини билдиради.

Шу ўринда табиий савол туғилади, турли соҳаларни "коррупциясиз соҳа"га айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар нима учун барча жойларда бир хил самара бермай қолмоқда?

Асосий муаммо сифатида тадқиқотчи томонидан барча соҳаларни коррупциядан ҳоли тизимга айлантиришда Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши даражасида комплекс ёндашувнинг йўқлиги, баъзи соҳаларда фақат ички буйруқлар билан чекланиб қолиниши ва ташқи тизимли омилларга эътибор берилмаслиги кўрсатилган.

Турли соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи умумий омиллар мавжуд:

- норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги ва қонунчиликдаги бўшлиқлар;
- рақамлаштириш даражасининг пастлиги ва инсон омилининг юқорилиги;
- назорат тизимининг заифлиги ва ношаффолик;
- давлат хизматчилари ва ходимларнинг ижтимоий кафолатларининг етарли эмаслиги;
- коррупцион рискларни баҳолаш тизимининг йўқлиги;
- жамоатчилик назоратининг ривожланмаганлиги.

Ушбу умумий омилар барча соҳаларда коррупцияга қулай шароит яратади ва уларга қарши комплекс чоралар қўрилмаса, алоҳида соҳалардаги ислохотлар тўлиқ самара бермайди.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини комплекс такомиллаштиришнинг стратегик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Халқаро тажрибани ўрганиш натижасида коррупцияга қарши курашишнинг самарали моделлари аниқланди. G20 давлатларининг 2025-2027 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, БМТнинг GlobE Network тармоғи ва "комплаенс-назорат" тизимининг афзалликлари таҳлил қилинди. АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Қозоғистон ва Словения каби мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатдики, тизимли ёндашув ва рақамлаштириш орқали коррупция даражасини сезиларли даражада камайитириш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар таҳлили қарама-қарши натижаларни кўрсатди. Бир томондан, Президентнинг турли йилларда қабул қилган фармонлари асосида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари бўйича муҳим қадамлар ташланди. Инсон омилини кескин қисқартириш, очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий этиш, рақамлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Айрим соҳаларда, хусусан соғлиқни сақлашда (85 тага камайиш), банк тизимида ва олий таълимда ижобий натижалар кузатилди. Бошқа томондан, амалиётда турли соҳаларда ҳали ҳам содир бўлаётган коррупциявий ҳолатлар мавжуд тизимнинг камчиликларини яққол кўрсатди.

Тадқиқот давомида қатор тизимли муаммолар аниқланди. Энг муҳими, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши даражасида барча соҳаларни қамраб олувчи ягона комплекс методологиянинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Турли соҳаларда эришилган натижаларнинг фарқланиши бунинг асосий сабаблари баъзи соҳаларда фақат ички буйруқлар билан чекланиб қолиниши, ташқи тизимли омилларга етарлича эътибор берилмаслиги, аниқ баҳолаш мезонларининг йўқлиги ва соҳалараро координациянинг заифлигидир.

Муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

биринчидан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан барча соҳаларни қамраб олувчи ягона миллий стратегия ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳар бир соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий методологияни қўллаш зарур;

иккинчидан, халқаро стандартлар асосида "комплаенс-назорат" тизимини барча соҳаларда босқичма-босқич жорий этиш, коррупция хавфи юқори лавозимларда махсус профилактика механизмларини яратиш лозим;

учинчидан, натижаларни объектив баҳолаш учун аниқ мезонлар ва кўрсаткичларни белгилаш, тизимли мониторинг ва ташқи назорат механизмларини такомиллаштириш керак;

тўртинчидан, соҳалар ўртасида координацияни таъминлаш, энг яхши амалиётларни умумлаштириш ва тарқатиш, соҳалараро ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади;

бешинчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини таъминлаш учун механизмларни яратиш зарур.

Хулоса ўлароқ, барча соҳаларни коррупциясиз тизимга айлантириш фақат алоҳида чоралар билан эмас, балки халқаро тажриба, илмий ёндашув ва ягона миллий стратегия асосида комплекс тизим сифатида амалга оширилганда самарали натижаларга эришиш мумкин. Бу жараён Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда ўрнини мустаҳкамлаш, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Joseph Pozsgai-Alvarez, Oksana Huss. The meeting of two worlds: strategic corruption as an emerging concept in (anti-) corruption studies and

international relations // Contemporary Politics, Volume 31, Issue 2 (2025). 306-327 pp. <https://doi.org/10.1080/13569775.2024.2370695>.

2. Yuliya Zabyelina. Between Immunity and Impunity: External Accountability of Political Elites for Transnational Crime. Cambridge University Press. 2023. 266 pages. <https://doi.org/10.1017/9781009086301>

3. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза. Ахборот таҳлилий маълумот. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024.-70 б.

4. Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Хорижий давлатларда мансabdор шахслар активларини декларация қилиш. -- Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази. 2019. -- Б. 6.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -- Т.: Ўзбекистон. 1997. -- Б. 86.

6. Таирова Н.М. Коррупция как социальное явление: историко-философские и политологические аспекты мировой мысли и практики. Управленческое Консультирование. N 2. 2014, 159-169 с.

7. Криминология / Под. Ред. Н.Ф.Кузнецовой, Г.М.Миньковского. -- М.: МГУ, 1994. -- С. 58.

8. Каиржанов Е.И. Преступность -- явление социальное // Преду-
преждение преступности. 2003, №1. -- С.8.

9. Сатаров Г.А. Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02.1998. С.2.

10. Тожибоев К. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. -- Тошкент: ТДЮИ, 2004. -- Б.13.
11. Klitgaard, R. (2015). Addressing corruption together. Paris: OECD Development Centre.
12. La Porta, R., Lopez-de-Silanes, F., & Shleifer, A. (2017). The economic consequences of legal origins. Journal of Economic Literature, 46(2), 285-332.
13. Каримов А.Н. (2021). Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий масалалари. Ҳуқуқшунослик, 2, 45-52.
14. Абдуллаев Б.М. (2022). Коррупцияга қарши экспертизанинг методологик асослари. Давлат ва ҳуқуқ, 3, 78-85.
15. OECD. (2023). Anti-corruption and Integrity: International Best Practices. Paris: OECD Publishing.